



## ҚҮЛЛАШ БҮЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ИНГАЛИПТ - Н INGALIPT - N

Препаратнинг савдо номи: ИНГАЛИПТ - Н

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): эрувчан стрептоцид, норсульфазол натрий;  
Дори шакли: ингаляция учун спрей.

### Таркиби:

*фаол моддалар*: эрувчан стрептоцид, норсульфазол натрий;

1 баллон 0,75 г эрувчан стрептоцид, 0,75 г норсульфазол натрий сақлайди.

*ёрдамчи моддалар*: тимол, қалампир ялпиз мойи, эвкалипт мойи, глицерин, 96% этанол, полисорбат 80, сахароза, тозаланган сув.

**Таърифи:** оч-сариқдан тўқ-сариқ ранглигача бўлган, ўзига хос хидли тиник суюқлик.

**Фармакотерапевтик гурухи:** ЛОР-аъзоларини даволаш учун восита

**АТХ коди:** R02AA20.

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Ингалипт-Н антибактериал ва яллигланишга қарши, шунингдек совутувчи ва чалғитувчи таъсирларни намоён килади. Кўрсатилган фармакологик хусусиятларининг йиф индиси юқори нафас йўлларининг ва оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватини яллигланиш касалликларини мажмуавий патогенетик даволашни таъминлайди. Ингалипт-Н организмга ульцероген ва умумий токсик таъсирни намоён қилмайди.

#### Фармакокинетикаси

Ингалипт-Н маҳаллий ингаляцион қўллаш учун мўлжалланган ва асосан яллигланиш ўчогида терапевтик концентрацияни хосил килади. Сульфаниламидлар (эрувчан стрептоцид ва норсульфазол натрий) тизимли қон оқимига қисман сўрилади, улар қон оқислари билан қайтувчан боғланади: эрувчан стрептоцид 12-14% га, норсульфазол натрий - 55% га. Биотрансформация жараёнида сульфаниламидларни ацетил гурухи шакллари хосил бўлади, улар шу кўринишда буйраклар орқали чиқарилади. Эрувчан стрептоциднинг ярим чиқарилиш даври 10 соатни, норсульфазол натрийники - 1,2 соатни ташкил қилади

### Кўлланилиши

ЛОР-аъзолари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг инфекцион-яллигланиш касалликларини (тонзиллит, фарингит, ларингит, афтоз ва ярали стоматит) маҳаллий даволашда кўлланади.

#### Кўллаш усули ва дозалари.

Катталар ва З ёшдан ошган болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва бурун-халқумни чайиш орқали маҳаллий кўлланади.

Катталарда суткада 3-4 марта чайиш ўтказилади.

З ёшдан ошган болаларда агар шифокорнинг махсус кўрсатмалари бўлмаса, суткада 1-2 марта чайиш ўтказилади.

Препаратни қўллаш давомийлиги касалликнинг кечишига боғлиқ ва одатда 3-10 суткани ташкил қилади.